


Станция  
рахбарига  
чора  
кўрилди



Суд органлари  
мустақиллигини  
таъминлаш:  
миллий тажриба  
ва халқаро  
амалиёт



Шахсга доир  
маълумотлар  
ҳимоя  
қилинадими?



“Тоғлардек  
баланд  
бўл”



3-бет

6-бет

7-бет

8-бет

# ИНСОН ҚОНУН

3 декабрь 2019 йил / № 48 (1200)

[www.insonvaqonun.uz](http://www.insonvaqonun.uz)

[insonvaqonun@adliya.gov.uz](mailto:insonvaqonun@adliya.gov.uz)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Дам олиш  
ҳуқуқингизни  
биласизми?



Дам олиш вақти — ходим меҳнат ва-  
зифаларини бажаришдан ҳоли бўлган ва  
бундан у ўз ихтиёрига кўра фойдаланиши  
мумкин бўлган вақтдир.

7-бет

САЙЛОВ — 2019

ДЕПУТАТ АЁЛЛАР  
тараққиётни олға  
силжитадими?

4-бет

Жазони ижро этиш  
колонияларидаги  
айрим шахслар ҳам  
САЙЛАШ ҲУҚУҚИГА  
ЭГА БЎЛДИ

5-бет



Бибигази ЖИЕМУРАТОВА,  
Тахтакўпир тумани:

— ЁШИМ саксондан ошди. Ўғ-  
лим шифокор, туман касалхонасида  
ишлайди. Бир куни уйга Адлия вазир-  
лигининг “Ишонч телефони” ёзилган  
эълон қоғозини олиб келди. У Адлия  
кўплаб инсонларнинг ҳуқуқларини  
ҳимоя қилиб келаётганлигини айт-  
ди. Қани, бўлмаса менга ногиронлик  
аравачаси ажратилишига ёрдам бер-  
син шу вазирлигинг, дедим киноя би-  
лан ишонқирамай. Чунки бу борада  
кўп идораларга мурожаат қилгандим.  
Ижобий жавоб бўлмагандан, бу са-  
фар ҳам қуруқ ва ҳавоий гапларда

бари, деб ўйлагандим.

Лекин барибир эълондаги Ўзбекист-  
он Республикаси Адлия вазирлиги-  
нинг “Ишонч телефони” рақамларини  
тера бошладим. Мурожаатимни қабул  
қилишди. Не кўз билан кўрайки, ора-  
дан бир неча кун ўтиб, Қорақалпоғист-  
он Республикаси Адлия вазирининг  
ўзи уйимизга аравачани топширишга  
келса денг. Ўша кун ўнгимда бўлдим,  
тушимдами, билмадим. Аммо менга  
худди “Малибу”нинг калитини топши-  
ришгандек бўлишди. Энди кўнглим  
тўқ. Ҳовлига, кўчага айланишга ара-  
вачамда чикаман, бировга оғирлигим  
ҳам тушмайди.

Миннатдорчилик мактуби

## “ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ”га ишончим ортди

Гап аслида аравачада ҳам эмас.  
Биласизми, гап эътиборда. Кўрсатил-  
ган меҳр, эҳтиромда, болам. Одам-  
ларнинг ишончини оқлаш савобли иш.  
Мана шундай савобли, эзгу ишларга  
бел боғлаганларнинг жони омон бўл-  
син. Оилам номидан алоҳида миннат-  
дорчилигимни билдираман.

Насиба ҚУТЛИМУРАТОВА,  
Қорақалпоғистон  
Республикаси Адлия  
вазирлиги масъул ходими

## Халқ таълими вазири:

# МАКТАБНИ ЎЗГАРТИРМАСДАН ТУРИБ, ОДАМНИ, ЖАМИЯТНИ ЎЗГАРТИРИБ БЎЛМАЙДИ

— ТАЪЛИМ, тарбия,  
маънавият, аввало, бог-  
чадан бошланса, унинг  
ўчоги мактабдир. Айнан  
мактаб даврида бола-  
га сифатли таълим ва  
тарбия берилса, мил-  
латнинг келажагини шун-  
да кўркмай тасаввур этиш  
мумкин. Чинакам зиёли халқ  
вакиллари, шубҳасиз, мактабда яхши  
таълим олган авлоддан етишиб чиқади.  
Бу ҳақда қандай фикрдасиз?

— Ҳозирда юртимиздаги 9 942 та  
умумтаълим мактабларида 6,2 миллион  
нафар ўқувчи ўқитилаёпти, уларга 457  
минг нафар ўқитувчи таълим-тарбия бер-  
моқда. Хорижий тажрибадан келиб чиқиб  
айтсам, фарзандларимизга бошланғич  
синфда яхши билим беришимиз керак.

**!**  
Хулосалар асосида  
“Тарбия” фани кон-  
цепцияси ишлаб  
чиқилди.

Бошланғич синфларданок фар-  
зандларимизни ўқиш ва мате-  
матика бўйича билимли бў-  
лишини таъминласак, кейинги  
босқичларида улар билим  
олишга қийналмайди. Бундан  
ташқари, фарзандларимизга  
мактабда доимо ўз устида ишла-  
ши кераклигини ва билим олишни  
ўргатиб боришимиз керак.

Жорий йилнинг 23 август куни Прези-  
дентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида  
халқ таълими тизимини ривожлантириш,  
педагогларнинг малакаси ва жамиятдаги  
нуфузини ошириш, ёш авлод маънавияти-  
ни юксалтириш масалаларига бағишлан-  
ган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.  
Мазкур йиғилишда мактаб таълимининг  
ривожлантириш умумхалқ ҳаракатига айла-  
ниши зарурлиги таъкидланди. Президен-

тимиз: мактаб — бу ҳаёт-мамонт масаласи,  
келажақ масаласи, — дея таъкидлади. Бу  
масалани давлат, ҳуқуқат ва ҳокимлар-  
нинг ўзи ҳал қилолмайди. Бу бутун  
жамиятнинг иши, бурчига айланиши керак.  
Мактабни ўзгартирмасдан туриб, одамни,  
жамиятни ўзгартириб бўлмайди.

— Таълим ўз йўлига, лекин кейинги  
бир неча йилларда мактабларда тарбия  
масаласида бир нималарни йўқотдик.  
Кўполроқ айтганда, ўқувчилар ўқитув-  
чилардан ҳайқилмай кўйди...

— Абдулла Авлоний айтганидек “тарбия  
биз учун ё ҳаёт — ё мамонт, ё нажот — ё  
халокат, ё саодат — ё фалокат масаласи-  
дир”. Ота-оналар, мактаб ва жамият бир-  
лашган ҳолда болаларга тарбия беришда  
ҳамкорлик қилишимиз лозим. Бундан ҳам-  
ма манфаатдор бўлади.



Таъкидлашим керак,  
ҳозирги кунда респуб-  
ликаимизнинг умум-  
таълим мактаблари-  
да ўқитилаётган жами  
21 та фан доирасида  
ўқувчи-ёшларимизга  
1-синфдан тортиб,  
11-синфга қадар  
ҳуқуқий таълим бериш  
йўлга қўйилган.






## МУҲАММАДЖОН ЭНДИ САРСОН БЎЛМАЙДИ

ТУРАРЖОЙИГА нисбатан мулк ҳуқуқига эгалик қилиш учун идора-ма-идора сарсон-саргардон бўлиб юрган Муҳаммаджон Назаров Мирзо Улуғбек туман адлия бўлимига мурожаат қилгач, ўз муаммосига ечим топди.

Адлия бўлими аралашуви билан Мирзо Улуғбек туман ҳокимининг қарори асосида мазкур тумандаги Бўзариқ кўчаси, 22-уй манзилида рухсатсиз қўшимча қўшиб олинган 119 квадрат метр ер майдонига ҳамда рухсатсиз қурилган фойдаланиш майдони 5.18 квадрат метр айвон, хужра, соябонга нисбатан мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун мулк ҳуқуқи эътироф этилди. Муҳаммаджон энди сарсон бўлмайди.

**Отабек МАМАНАЗАРОВ,**  
Мирзо Улуғбек туман адлия бўлими бошлиғи



## УЙ УЧУН ҚАРОР ЧИҚАРИЛДИ

АНДИЖОН туманида яшовчи фуқаро Холматов Комилжон "Ишонч телефони" орқали мурожаат йўллаган. Маълум бўлишича, у жорий йилнинг апрель ойида уй-жойга қарор чиқариб беришларини сўраб, ДХМ орқали туман ҳокимлигига ариза берган. Лекин шу кунга қадар унга қарор ва кадастр ҳужжатлари берилмаган. Андижон туман адлия бўлимининг саъй-ҳаракатлари туфайли Вазирлар Маҳкамасининг 461-сон қарори талаблари асосида жорий йил 31 октябрь куни Андижон туман ҳокимининг 7595-қ-сон қарори қабул қилиниб, кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилди.

**Аҳмадилло ИСМОИЛОВ,**  
Андижон туман адлия бўлими бошлиғи

## СТАНЦИЯ РАҲБАРИГА ЧОРА КЎРИЛДИ

БУХОРО туман "Янгиобод" МФЙ Юринболо қишлоғида яшовчи фуқаро У.Жўраев Бухоро туман адлия бўлимига мурожаат қилди. Унинг айтишича, Бухоро насос станциялари ва энергетика бошқармасига қарашли Жондор III кўтарма насос станцияси раҳбари ишчиларга шахсий қўй-қўзиларини навбатчилик вақтида мажбурий боқиш учун мунтазам топшириқ бериб келган.

Бўлим томонидан мазкур мурожаат жойига чиқиб ўрганилганда ҳақиқатан ҳам, Жондор III кўтарма насос станцияси раҳбари ўзига тегишли бўлган 29 бош қўй-қўзиларни станция ҳудудида боқиш мақсадида станцияда "Қўй-қўзилар дафтари"ни ташкил қилган. Станция ишчилари Ж.Жўраев ва бошқалар навбатчилик куни ушбу дафтар орқали чорва молларини қабул қилиб, топширишга мажбурланган.

Ўрганиш натижасида, Бухоро туман адлия бўлими томонидан

станция раҳбарига нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 51-моддаси, 1-қисмига асосан Бухоро туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги таклиф киритилди.

Бухоро туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказининг 2019 йил 19 ноябрь кундаги маъмурий жавобгарликка тортиш ҳақидаги қарорига асосан, Жондор III кўтарма насос станцияси раҳбарига энг кам иш




ҳақининг 15 баравари миқдорида маъмурий жарима жазоси қўлланилди.

**Туйғун АЗИМОВ,**  
Бухоро вилоят адлия бошқармаси Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи

## АДЛИЯ БЎЛИМИ РЕЙД ЎТКАЗДИ

ТЕРМИЗ шаҳар адлия бўлими Термиз шаҳридаги "Ўзбекистон", "Шодлик", "Жайхун", "Авлоний", "Дўстлик" ва "Мажнунтол" маҳалла фуқаролар йиғинларида мониторинг ўтказди.



Мониторинг давомида "Мажнунтол" МФЙда жамоатчилик асосида ишловчи ишчи ходимлар Н.Холиқова, Г.Абдилова, Х.Канакбаева, У.Хайдаров, "Авлоний" МФЙда жамоатчилик асосида ишловчи

Л.Хасанова, М.Алиқулова, З.Эрмуратова, Г.Қўлдошева, М.Ақбарова, И.Норбоева, Х.Хаметоваларнинг ойлик иш ҳақлари бугунги кунгача тўлаб берилмаганлиги маълум бўлди.

Юқорида номлари қайд этилган ходимларга жами 5 048 250 сўм пул маблағи берилиши лозим бўлган муддатдан 25 кун ўтиб кетган.

Ушбу қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан Термиз шаҳар бандликка кўмаклашиш марказига тақдимнома киритилди. Юқорида номлари келтирилган фуқароларнинг ойлик иш ҳақлари тўлаб берилиши назоратга олинди.

Шунингдек, адлия бўлими томонидан шаҳар ҳудудида жамоатчилик асосида меҳнат қиладиган ишчиларнинг 108 000 000 сўмлик ойлик иш ҳақи ундириб берилди.

**Ҳабиб АБДУРАҲМОНОВ,**  
Термиз шаҳар адлия бўлими етакчи маслаҳатчиси

## ШИРКАТНИНГ ТАЛАБИ ТЎҒРИ ЭДИМИ?

АДЛИЯ бўлимлари томонидан ташкил қилинаётган сайёр қабуллар давомида кўплаб муаммолар ўрганилиб, бу борада аҳолига зарур ҳуқуқий тушунтиришлар берилмоқда ҳамда ечимини кутаётган масалалар жойида бартараф этилмоқда.

Хусусан, Миробод туман адлия бўлимига фуқаро К.Каипов мурожаат қилиб, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати ҳатти-ҳаракатидан норози эканлигини билдирди.

Мурожаатда К.Каипов хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати ундан 2018 йил учун коммунал тўловлардан қолдиқ қарздорликни тўлаши кераклигини талаб қиладиганлигини, ваҳоланки, у тураржойни 2019 йил 25 январда сотиб олганлигини, қарздорликни тўлаш унинг мажбурияти эмаслигини баён қилган.

К.Каиповнинг аризасини ўрганиш жараёнида, ҳақиқатда уй-жой олди-сотди шартномаси 2019 йил 25 январда расмийлаштирилганлиги, шунингдек, 2018 йил учун коммунал тўловлардан қарздорлик мавжуд эканлиги аниқланди.

Миробод туман адлия бўлими томонидан уй-жойнинг собиқ эгаси чақиртирилиб, 2018 йил учун қолдиқ қарздорлик мавжуд эканлиги тушунтирилди ва у томонидан ушбу қарздорлик ихтиёрий равишда тўлиқ тўлаб берилди.

**Шаҳноза МАВЛАНОВА,**  
Тошкент шаҳар адлия бошқармаси масъул ходими



# ДЕПУТАТ АЁЛЛАР ТАРАҚҚИЁТНИ ОЛҒА СИЛЖИТАДИМИ?



Бу йилги сайловларда Қонунчилик палатаси депутатлигига янгидан номзод этиб қўйилганларнинг 440 нафарини эркеклар (58,7 фоиз) ва 310 нафарини аёллар ташкил этмоқда.

ҲОЗИРГИ вақтда мамлакатимиз аҳолиснинг қарийб 50 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Албатта, аёлларнинг барча соҳалардаги самарали меҳнати, айниқса, фарзандлар тарбияси, оила ҳаётидаги улкан хизматларини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди.

Авваламбор, қайд этиш жоизки, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотининг бир қатор ҳужжатларида (Мадрид-1983, Вена-1989, Москва-1991, Истанбул-1999, Маастрихт-2003, София-2004, Любляна-2005, Афина-2009) давлатларнинг эркеклар ва аёллар ўртасида тенгликни қўллаб-қувватлаш, қарорлар қабул қилишнинг барча даражаларида аёллар ролини ошириш, аёлларнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётда иштирок этишлари учун кенг имкониятларни яратиш, ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, суд ва ижроия барча органларида гендер муносибликка эришиш учун аниқ чораларни кўриш, сайлаб қўйилган давлат лавозимларида гендер вакиллик мутаносиброқ бўлишига эришиш мақсадларида аёллар ва эркекларнинг сиёсий партияларда тенг иштирок этишларига ёрдам кўрсатиш, эркеклар билан хотин-қизлар учун нафақат юридик, балки амалдаги тенгликка ҳам эришиш бўйича мажбуриятлар белгиланган.

Мамлакатимиз инсон ҳуқуқларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилиб, ўтган давр мобайнида хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш бўйича қатор ислохотларни амалга оширди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 46-моддасида хотин-қизлар ва эркеклар тенг ҳуқуқли эканликлари мустаҳкамлаб қўйилди. 1995 йил 6 майда мамлакатимиз 1979 йил 18 декабрда Нью-Йоркда қабул қилинган Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисидаги, 1997 йил 30 августда "Хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисида"ги ҳамда "Бир хил қийматга эга бўлган меҳнат учун эркеклар ва хотин-қизларни тенг рағбатлантириш тўғрисида"ги конвенцияларга қўшилди.

## АЁЛЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛУВЧИ ҲУҚУҚЛИ ҲУЖЖАТЛАР

Ўтган икки йилда халқаро андазалар талаблари доирасида аёллар аҳолини тубдан яхшилашга доир 15 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат имзоланган ва ижрога қаратилган. Хусусан, 2019 йил 2 сентябрда "Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида", "Хотин-қизларни таъминлаш бўйича мажбуриятлар белгиланган ҳолати тўғрисида ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ахборот тақдим этиши белгиланган бўлиди.

2018 йил 2 февралда мамлакатимиз раҳбарининг "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони, 2019 йил 7 мартда "Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди.

Олий Мажлис Сенатида Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари кўмитаси ташкил этилди. Алоҳида Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия ташкил этилиб, у хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги ишларнинг ҳолати тўғрисида ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ахборот тақдим этиши белгиланган бўлиди.

Эндиликда давлат органларида хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича ваколатли мансабдор шахс белгиланади. Ваколатли шахснинг мажбуриятларини бажариш давлат органи раҳбарининг ўринбосарларидан бири зиммасига юклатилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг гендер-ҳуқуқий экспертизаси, деган янги институт кириб келди.

"Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида"ги Қонунда давлат хотин-қизлар ва эркекларга шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни амалга ошириш чоғида тенг ҳуқуқлили, жамият ҳамда давлат ишларини бошқаришда, сайлов жараёнида тенг иштирок этишни кафолатлаш мустаҳкамлаб қўйилди.

## РАҲБАР АЁЛЛАР КЎПАЙСА...

Бугунги кунда юртимиздаги давлат ва жамоат ташкилотлари тизимида 1 минг 400 га яқин аёллар раҳбарлик лавозимларида ишламоқда. Хотин-қизларимиз орасидан Олий Мажлис Сенатида 17 нафар сенатор (хусусан ҳозирда Сенат раиси аёл киши), Қонунчилик палатасида 21 нафар депутат фаолият олиб бормоқда. Маҳаллий кенгашларда эса халқ вакилларининг 23 фоиздан зиёдини хотин-қизлар ташкил этади.

Республика бўйича жорий йилнинг май ойида фуқаролар йиғинлари раислиги учун ўтказилган сайловларда 1 минг 25

нафар аёл ўзини ўзи бошқариш идоралари раиси лавозимига сайланди. Турли корхоналарда ишлаётган раҳбар аёллар 2017 йили 44,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йилда 45,3 фоизга етди.

Бугун деярли барча партияларда раҳбар ўринбосарларидан бири аёл киши, шунингдек, уларда аёллар қанотлари мавжуд.

400 га яқин нодавлат нотижорат ташкилотлар аёллар муаммолари билан шуғулланмоқда.

Ижтимоий сўровлар иштирокчиларининг 70,2 фоизи мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратилганини қайд этса, 81,5 фоизнинг фикрича, аёлларнинг жамоат ёки сиёсий ташкилотларда ўз фаолиятини амалга оширишда ҳеч бир шахс ва бирор-бир ҳолат уларга халақит бермайди.

Жорий йил декабрь ойида юртимизда миллий парламентимиз ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтadиган сайловларда ҳам аёлларнинг ўрни беқисс.

Хотин-қизлар сайлов жараёнида сайловчи, депутатликка номзод, сайлов комиссиясининг аъзоси, кузатувчи, партиянинг ваколатли вакили, ишончли вакил сифатида эркеклар қатори тенг ва эркин, очик ва ошқора иштирок этишлари мумкин.

Мамлакатимизда хотин-қиз сайловчилар сони 10 миллиондан ошади. Бу жуда муҳим ва катта кўрсаткич эканлигини ҳисобга олиб, жорий йилда Марказий сайлов комиссияси ва Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ўртасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари сайловларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш жараёнида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида келишув имзоланди. Келишувга аёлларнинг, биринчи марта овоз берадиган қизларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, сайловларда фаол иштирок этишини, овоз беришини таъминлашга доир аниқ тадбирлар белгиланди.

Ҳозирги кунда Марказий сайлов комиссиясининг учдан бир қисми, бошқача қилиб айтганда, 7 нафар аъзоси хотин-қизларни ташкил этади.

Сайлов кодексининг 70, 91-моддаларига асосан аёлларнинг

сони сиёсий партиядан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг камида ўттиз фоизини ташкил этиши керак. Номзодлар ўртасида аёллар миқдорини ошириш бўйича норма белгилаш жаҳонда қўлланиладиган усул бўлиб, Албания, Босния ва Герцеговина, Македония, Греция, Черногория, Польша, Сан-Марино, Сербия, Словения, Арманистон, Қирғизистон, Испания қонунчилигида ҳам бунинг яққол далилини кўришимиз мумкин.

Номзод аёллар учун ихтиёрий ёки мажбурий квоталар Франция, Швеция, Швейцария, Туркия, Буюк Британияда қайд қилинган.

## ҚАЙСИ ПАРТИЯ АЁЛЛАР НОМЗОДИНИ КЎПРОҚ КЎРСАТАЯПТИ?

Бу йилги сайловларда Қонунчилик палатаси депутатлигига янгидан номзод этиб қўйилганларнинг 440 нафарини эркеклар (58,7 фоиз) ва 310 нафарини аёллар ташкил этмоқда.

Бу 2014 йилнинг декабрида ўтган парламент сайловларидагидан қарийб 10 фоиз (31,8) кўпдир. Энг кўп аёллар номзоди Халқ демократик партиясидан кўрсатилган (48 фоиз), ундан кейин Адолат социал демократик партиясидан (43,3 фоиз), Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партиясидан (42,7 фоиз), Миллий тикланиш демократик партиясидан (36,7 фоиз), Экологик партия (36 фоиз) турибди. Кўриб турганимиздек, аёлларнинг сони сиёсий партиядан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг ўттиз фоиздан ортигини ташкил этмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, сайловларда сиёсий савияси етук, меҳнаткаш ва оқила аёлларимиз ўз салоҳиятини намоён этиб, депутат бўлиб сайланишлари жамият ва давлат учун муҳим аҳамият касб этиб, парламентга ва маҳаллий Кенгашларга сайланадиган аёллар сонининг ўсиши қонун ижодкорлиги жараёнида хотин-қизларнинг манфаатлари ва фикрларини ҳисобга олиш, давлат бюджети шаклланишида гендер тенглиги масалаларини инобатга олиш имкониятини беради. Хотин-қизларнинг депутат бўлиб сайланишлари оилани мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини таъминлаш, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва маданий ҳаётда аёлларнинг иштирокини кенгайтириш бўйича қонун ижодкорлиги ва парламент назоратини кучайтиришга хизмат қилади.

**ЎЗБЕКИСТОН ИИВ Жазони ижро этиш бош бошқармаси бошқарма бошлиғи, подполковник Жамшид СУЛТОНОВ билан бўлиб ўтган суҳбатимизда жорий йилда ўтадиган сайловнинг ўзига хос янги жиҳатлари хусусида сўз юритилди.**



## Жазони ижро этиш колонияларидаги айрим муҳим янгилар билан сайловнинг ўзига хос янги жиҳатлари хусусида сўз юритилди



— Миллий қонунчилигимизга халқаро демократик тамойиллар ва миллий бағрикенглик руҳи тобора чуқурроқ кириб келмоқда. Санокли кунлардан кейин бўлиб ўтадиган мамлакат парламенти ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайлов олдингиларидан инсон ҳуқуқларига оид бир қатор муҳим янгилар билан кескин фарқ қилиши ҳам бунинг яна бир исботидир. Шундай эмасми?

— Албатта, сўнгги йилларда мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини амалий таъминлаш йўлида кенг қўлланма ислохотлар олиб борилмоқда. Айниқса, суд-ҳуқуқ соҳасига оид саъй-ҳаракатлар жадаллашиб, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва алоҳида назорати доирасида кечаяпти. Ушбу фикрларнинг амалдаги исботини ўтган йиллар давомида бу каби халқчил сиёсат ва аҳоли фаровонлигини юксалтиришга қаратилган жараёнлар жазони ижро этиш тизимини ҳам четлаб ўтмаётганлигида, бу соҳада ҳам қўллаб-қўлланма ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, уларнинг туб негизидеги билиб-билмай жиноят содир этган шахсларнинг қонунчиликда белгиланган ҳуқуқ ва манфаатларини тўлиқ таъминлаш, жазо муддатини ўташи учун қўлай муҳит яратиш алоҳида ўрин тутаятганлигида кўришимиз мумкин.

Яна бир муҳим жиҳат, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўлланма ислохотлар самараси ўлароқ давлат органларини шакллантириш жараёнини янада демократлаштириш, замонавий халқаро сайлов стандартларини мувофиқлаштириш ва сайлов тизимининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш мақсадида жорий йилнинг 25 июнь кuni Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси қабул қилинди. Эндilikда, 2019 йил 22 декабрда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси

Қонунчилик палатаси депутатлари ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайлови илк бор ана шу янги Сайлов кодекси асосида ўтади.

Мазкур Кодекснинг инсонпарварлик хусусиятларидан бири шундаки, агар аввалги қонунларда суд томонидан муомалага лаёқатсиз, деб топилган фуқаролар, шунингдек, суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас ва сайловда қатнашмайди, деган мазмундаги қоида белгиланган бўлса, Сайлов кодексида уларнинг сайланиши мумкин эмаслиги оид норма қолдирилиб, “сайловда қатнашмайдилар”, деган жумла чиқариб ташланди.

Кодекснинг 5-моддасида суд томонидан оғир ва ўта оғир жиноятлари содир этганлиги учун суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахсларга сайловда иштирок этмайди, деб белгилаб қўйилди. Бу билан ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлиги учун суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахсларнинг сайловларда иштирок этиш, яъни сайлаш ҳуқуқи вужудга келди. Шундай қилиб, тегишли қонун ҳужжатлари билан фуқаролар, сайловчилар учун янада кенг имкониятларнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Бу инсон қадрли, шаъни ва ҳуқуқини ҳимоя қилиш нўқтаи назаридан нафақат Ўзбекистон, балки дунё миқёсидаги тарихий воқеа, деса бўлади.

— **Маълумки, сайлов жараёнининг шаффофлиги, пухта ҳамда муваффақиятли ўтиши кўп жиҳатдан сайлов қонунчилиги мазмун-моҳиятининг ташвиқоти ва тушунтириш ишларига боғлиқ. Айтинг-чи, Жазони ижро этиш жойларида сайловга тайёргарлик ишлари қандай олиб борилмоқда?**

— Бу йилги сайловнинг “Янги Ўзбекистон — Янги сайловлар” шиори остида ташкил этилаётгани унинг даражаси ҳар доимгидан юқори бўлаётганлигининг амалий ифодаси, деб бемалол айта оламиз.

Конституцияимизнинг 117-моддасига кирган ўзгаришларга ҳамда Сайлов кодексимизга асосан эндиликда ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлиги учун суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар ҳам мамлакат ҳаётига оид энг катта сиёсий воқеада иштирок этиши, ўз овозини лозим топган номзодига бериши мумкинлиги барчамиз учун муҳим ва масъулиятли вазифа саналади. Кодекснинг 10, 27-моддаларига асосан озодликдан маҳрум этиш жойларида сайлов участкалари тузиш имконияти берилди. Ана шулардан келиб чиқиб, республикаимизнинг барча жазони ижро этиш колонияларида жорий йилнинг 22 декабрь кuni Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларига бўлиб ўтадиган сайловни пухта ва адолатли ўтказиш бўйича тайёргарлик ишлари жадал тус олган.

Хусусан, жазони ижро этиш колониялари, тергов ҳибсхоналари ҳамда манзил-колонияларда ҳам мазкур сайловга тайёргарлик жараёни қизгин ва кўтаринки руҳда ташкил этилиб, мамлакатимиз сайлов қонунчилигига биноан сайловолди ташвиқотини олиб бориш учун барча зарурий шарт-шароитлар билан таъминланди.

ИИВ жазони ижро этиш бош бошқармасида сайловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишчи гуруҳлари шакллантирилиб, уларнинг қонунчиликда белгиланган вазифаларини амалга ошириши учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Айни кунларда ишчи гуруҳлар томонидан Сайлов участкаларини ташкил этиш, маҳкумлар ўртасида сайловолди тарғибот ишлари тизимли ва белгиланган тартибда олиб борилмоқда.

Улар томонидан учрашувлар, суҳбатлар ва семинарлар ташкил қилиниб, сайловда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган маҳкумларга бўлажак сайловнинг аҳамияти, сайлов қонунчилиги ва унга киритилган сўнгги ўзгариш ҳамда қўшимчалар мазмун-моҳияти, сайловчилар ҳуқуқлари кенг тушунтириляпти.

Шунингдек, сайловга тайёргарлик ишлари дастурлари, мақсади ва вазифалари, сайлов округлари ва сайлов участкалари ҳамда номзодлар тўғрисида маълумотлар олиши учун барча шароитлар тайёргарлик қўйилган.

Номзодлар ва сиёсий партия вакиллари сайлов округи масъул ходимлари билан колонияларда сайлаш ҳуқуқига эга маҳкумлар иштирокида ўз дастурлари билан таништиришга қаратилган

тарғибот-ташвиқот тадбирларини колонияда ўрнатилган ички тартиб-қоидаларга риоя қилган ҳолда ўтказишади.

Жазони ижро этиш жойларида сайлов комиссияси аъзолари хонаси ҳам қонун талаблари асосида, белгиланган тартибда жиҳозланган бўлиб, сайловда иштирок этувчи маҳкумлар билан тушунтириш ишлари, мутасадди идора ва ташкилотларнинг масъул ходимлари билан учрашувлар ташкил этилиб келинмоқда. Колония маъмурияти томонидан тайинланган сайлов участкаси раиси, котиби ва аъзолари томонидан қабул қилган кунлари белгилашиб, сайловчи маҳкумлар томонидан берилган саволларга жавоблар ҳамда ҳақ-ҳуқуқлари тушунтириб берилмоқда.

Бундан ташқари, колонияларнинг ички ҳудудидаги ошхона, Ахборот-кутубхона маркази биноси, тиббиёт бўлими ҳамда барча сахналарига Сайлов санаси кўрсатилган плакатлар ва ахборот стендлари ўрнатилган бўлиб, бу нафақат сайловчи, балки барча маҳкумларда ҳам катта фахр-ифтихор, давлатимиз томонидан олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсатига ишонч ва миннатдорчилик ҳисларини уйғотмоқда.

### Илҳом ҚАЮМОВ, маҳкум:

— Мен, аввало, Президентимизга билиб-билмай жиноятга қўл уриб, бугунги кунда жазо муддатини ўтаётган шахсларга сиёсий ҳуқуқларидан фойдаланиш ва сайловда овоз бериш имконини бергани учун миннатдорчилик билдираман. Бу йил ҳаётимда биринчи бор сайловда иштирок этаман, ҳам хурсандман, ҳам ҳаяжондаман. Колониямиз масъул ходимлари томонидан сайлов қонунчилиги ва сайловда қатнашиб, ўзи танлаган номзодга овоз бериш тартиб-тамойиллари ҳақида тушунтириш берилмоқда. Менга билдирилган ишонч ва юклатилган масъулиятни ҳис қилган ҳолда сайловда иштирок этиб, ўзим танлаган номзодга эркин овоз бераман.

### Эргаш ТОШЎЖАЕВ, маҳкум:

— Очиғи, менга мамлакатимиз ва жамиятимиз ҳаётида энг муҳим бўлган сиёсий жараён, сайловда иштирок этиш ҳуқуқим борлигини билдиришганда жуда тўлқинланиб кетдим. Конституциявий ҳуқуқимни берган Президентимизга, халқимизга қўлим кўксимда ўзим ва оила аъзоларим номидан миннатдорчилик билдираман. Шу билан бирга ўз бурчимни унутиб, жиноятга қўл урганмдан қаттиқ афсусдаман, жуда хижолатдаман.

Айни кунларда депутатликка номзодлар ва сиёсий партияларнинг сайловолди дастурлари, мақсад ва вазифалари билан танишиб бормоқдаман. Яқин кунларда ўзим маълум топган номзодга яширин овоз бераман. Менинг овозим жамиятимиз ҳаётида муҳим роль ўйнайди. Бу давлатимиз томонидан менга билдирилган жуда катта ишонч ва масъулият. Буни ҳис қилган ҳолда, инсон қадрли ҳақида юксак кўтарилган, ҳуқуқларимиз мустаҳкам ҳимояланган мамлакат фуқароси эканлигимдан фахрланаман.

Юқорида баён этилган фикрларнинг барчаси миллий сайлов қонунчилигини халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда умум-этироф этилган сайлов принциплари ва стандартлари талабларига мувофиқ келишидан, фуқароларнинг давлат вакиллик органларига сайлаш ва сайланиши билан боғлиқ конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириши учун мустаҳкам кафолатлар белгилаб қўйилганидан да-лалат беради.

Суҳбатни “Инсон ва қонун” муҳбири Фарида ҚОРАҚУЛОВА ёзиб олди.

**БИРЛАШГАН** Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси резолюцияси билан маъқулланган Суд органлари мустақиллигининг асосий тамойиллари қабул қилинганининг 35 йиллиги муносабати билан 2019 йил 26 ноябрь куни Тошкент шаҳрида "Суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашнинг долзарб масалалари" мавзuida халқаро конференция ўтказилди.

# СУД ОРГАНЛАРИ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ: миллий тажриба ва халқаро амалиёт

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши, Мазкур кенгаш ҳузуридаги Судьялар олий мактаби, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази ҳамда "Минтакавий мулоқот" (Словения) халқаро ноҳукумат ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Анжуман давомида суд органлари мустақиллигига тегишли масалалар, судлар ва судьялар мустақиллигининг ҳуқуқий, ижтимоий ва ташкилий жиҳатлари кўриб чиқилди. Конференцияда мамлакатимиз суд тизимини замонавий талаблар, шунингдек, одил судлов бўйича халқаро мезонларни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш ва оптималлаштириш юзасидан фикр-мулоҳаза ва таклифлар билдирилди.

Тадбирда АҚШ, Словения, Франция, Хорватия, Қозғоғистон ва Жанубий кореялик халқаро экспертлар, Конституциявий ва Олий суд судьялари, Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар, журналистлар ҳамда бошқа ташкилотлар вакиллари иштирок этишди.

Куйида халқаро конференцияда иштирок этган маҳаллий ва хорижий мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари билан танишасиз.

## Убайдулла МИНГБОЕВ, Судьялар олий кенгаши раиси:



— Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда Президентимиз ташаббуси ва раҳбарлигида мамлакатимизда инсон ҳуқуқи ва эркинликларини, унинг қонуний манфаатларини амалда таъминлашда ҳал қилувчи аҳамият касб этадиган суд ҳокимияти мустақиллигини, судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бошқа давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ёки уларнинг мансабдор шахслари бiron-бир тарзда аралашшига йўл қўйилмаслиги билан боғлиқ кенс кўламли ислохотлар амалга оширилди ва бу тизимли равишда давом эттирилмоқда.

Суд ҳокимияти мустақиллигининг конституциявий принциплари ривож этилишини таъминлашга кўмаклашадиган, судлар тузилмасини ҳамда судьялик лавозимларига номзодларни танлаш ва тайинлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида судьялар ҳамжамиятининг давлат ваколатларига эга бўлган органи сифатида Судьялар олий кенгаши судьялар ҳамжамиятининг органи бўлиб, у Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимиятининг мустақиллиги конституциявий принциплари ривож этилишини таъминлашга кўмаклашши" белгиланди.

Кенгаш фаолияти очкилик, холислик, коллегиялик принципларига асосланган. Ушбу конституцион органининг асосий вазифаларидан бири, судьялар корпусини юксак маънавий-ахлоқий фазилатга, етарли ҳаётий тажрибага, мустақил фикрлаш ҳамда ўзи қабул қилган қарор учун жавобгарлики ўзига олиш қобилиятига эга бўлган юқори малакали судьяларни танлаш ва тайинлаш ҳисобланади.

Анжумандан фойдаланиб, таъкидлашни истардимки, Кенгаш судьялик лавозимларига номзодларни танлашда ва тайинлашда номзодларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва жамиятдаги тугган ўриндан қатъи назар тенглик принциплари ривож қилади.

## Джон ТАНХАЙМ, Миннесота округи бўйича бош Федерал судья (АҚШ):



— Мазкур халқаро конференция мавзуси, яъни суд органлари мустақиллигини таъминлаш масаласи дунёдаги барча мамлакатларда долзарб аҳамият касб этади.

Анжуманда иштирок этиб, ушбу муҳим масалада Ўзбекистон тажрибаси билан яқиндан танишим. Маърузаларда эътироф этилганидек, Ўзбекистон қонунчилигида бунга алоҳида аҳамият қаратилган.

Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлашда судьяларнинг ваколат муддатлари муҳим ўринга эга.

Судьялик лавозимига тайинлаш ёки сайлашнинг биринчи беш йиллик, кейинги ўн йиллик ва муддатсиз даврга лавозимда бўлишни назарда тутуви янги тартиб киритилди. Ушбу тартиб БМТ Суд органлари мустақиллигининг асосий принципларига тўла мос бўлиб, ўз навбатида, судьянинг ваколати муддати судьялик лавозимда бўлишнинг энг юқори ёшига қадар сақланиб қолишини назарда тутди. Ушбу норма судьянинг ўзгартирилмаслигининг асосий кафолати — унинг мустақиллигининг асосий элементларидан бири ҳисобланади.

## Акмал САИДОВ, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази директори:



— Ривожланган демократик мамлакатларнинг нуфузли экспертлари иштирок этаётган ушбу халқаро анжуманни ўтказишдан кўзланган мақсад — суд органларига тегишли

асосий стандартлар ва халқаро ҳуқуқ нормаларини муҳофазат қилиш, халқаро жамоатчилик вакиллари билан тажриба алмашиш, хорижий давлатларнинг суд органлари мустақиллиги масалалари бўйича амалиётини таққослашдан иборат.

Ўзбекистон ҳам ушбу халқаро ҳужжатга қўшилган. Ундаги суд ҳокимиятининг мустақиллиги ва холислигини таъминлашга қаратилган асосий нормалар миллий қонунчиликка имплементация қилинган. Хусусан, Конституциямизнинг 106-моддасида "Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритиши", 112-моддасида эса, "судьянинг мустақиллиги, фақат қонунга бўйсунishi, судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бiron-бир тарзда аралашшига йўл қўйилмаслиги ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши" билан боғлиқ конституцион қоида белгиланган.

"Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг тегишли моддаларида судьялар фақат қонунга бўйсунган ҳолда фаолият юритиши, муайян ишни ҳар томонлама, тўла ва холисона кўришга тўсқинлик қилиш ёки гаирқонуний суд қарори чиқарилишига эришиш мақсадида судьяларга бiron-бир тарзда таъсир этиш қонунга мувофиқ жинсий жавобгарликка сабаб бўлиши билан боғлиқ муҳим меъёрлар ўз аксини топган.

Бундан англашиладики, судьяларнинг фаолиятини амалга оширишда мустақиллигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари яратилган.

## Сунг СУ ДЖЕ, Суд тадқиқоти ва судьялар тайёрлаш институти профессори (Жанубий Корея):



— Суд органлари мустақиллигини таъминлаш бўйича Жанубий Кореяда тўпланган тажриба ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман. Жанубий Корея Конституциясида ижро ҳокимияти томонидан ўзбошимчилик билан суд ишларига аралашуви тақиқланиши, судьяларнинг мустақиллиги ва дахлсизлиги билан боғлиқ бир қатор меъёрлар ўрнатилган.

Хусусан, Корея конституциясида судья ўзи конституция ва қонунчиликка қатъий амал қилган ҳолда фақат виждонига қараб мустақил равишда суд қилади, деган тушунча устувор аҳамият касб этади. Бу ерда виждон ҳар бир судьянинг инсонийлик виждонига қараб эмас, балки судья сифатида касби талаб қилган виждонига қараб қарор чиқариши назарда тутилади.

Судьяларнинг функционал мустақиллиги шартли равишда "ташқи аралашувдан мустақиллик, ички аралашувдан мустақиллик ва суд тарафидан мустақиллик"ка эга бўлиши мумкин. Ташқи аралашувдан мустақиллик бошқа ҳокимият идоралари, масалан, маъмурият мустақиллигидан келиб чиққан ҳолда суд ишлари муҳофазат қилиб келинади. Аммо бугунги кундаги ахборот алмашинуви тезлашгани сабабли жамоатчилик фикри ва ижтимоий босим гуруҳларидан мустақиллик муаммога айланди. Гарчи судьялар ижтимоий танқидни ўз виждонларига кўра қабул қилишлари керак бўлса-да, агар босим даражаси психологик зўравонлик бўлса, бу суд жараёнига адолатсиз аралашув, деган фикрларни вужудга келтиради.

Судьяларни тайинлаш ваколатига эга бўлган Бош судья судьяларни тайинлаш ёки суд муҳофазатига аралашуш ҳуқуқига эга эмас, шунингдек, юқори судлар куйи судларга суд маъмуриятининг курсатмаси ва назоратидан ташқари бiron-бир алоҳида ишга аралаша олмайди. Бироқ юқори даражадаги тизимнинг моҳиятига кўра, юқори суднинг суд мажлисидаги қарори фақат иш бўйича куйи судни тайинлайди.

Суднинг функционал мустақиллиги президентнинг фавқулодда ҳарбий ҳолат ва амнистия эълон қилиш ҳуқуқи билан чекланиши мумкин. Хусусан, кўплаб одамлар президент томонидан афв этиш суд томонидан амалга оширилмаслигини кўплаб-қувватламоқда.

## Джон Мак ГРЕГОР, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилатининг Ўзбекистондаги элчиси, Миссия раҳбари:



— Мен мазкур халқаро конференциядаги чиқишдан фойдаланиб, алоҳида таъкидлашни истардимки, сўнги йилларда Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан инсонларнинг қонуний ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш борасида жуда кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Бунда суд-ҳуқуқ ислохотлари устувор аҳамият касб этади.

Суд органларининг мустақиллиги малакали судьялар билан чамбарчас боғлиқ. Шунинг учун, суд-ҳуқуқ соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Суд корпусини назарий билимлар, касбий кўникмаларга эга юқори малакали кадрлар билан таъминлаш мақсадида Судьялар олий кенгаши ҳузурида Судьялар олий мактаби ташкил этилди. Айни пайтда мазкур Олий мактабда 4 та йўналишда судьяликка номзодлар бир йиллик магистрлик курсларида замонавий усулларда таҳсил олмақда. Судьялар ва суд аппарати ходимларининг малакаси оширилмоқда, раҳбарлик лавозимига номзодлар қайта тайёрланмоқда. Биз ушбу таълим муассасаси билан ҳамisha ҳамкорликда ишлаймиз. Мен бу таълим муассасасининг очилишида ҳам иштирок этганман.

Бугунги халқаро конференция дастуридан ўрин олган мавзулар жуда муҳим. Маъруза қилаётган мутахассислар илгор хорижий тажрибаларни айтиб ўтмоқда. Ишонманки, тадбирнинг амалий аҳамияти жуда юқори.

## Бахтиёр МИРАЛИМОВ, Конституциявий суд судьяси:



— Кейинги уч йил давомида мамлакатимизда Конституциявий суд ишларини юретишда Конституциявий суднинг, судьяларнинг мустақиллигини мустаҳкамлашга қаратилган бир

қатор муҳим чора-тадбирлар амалга оширилди. Улар Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан тасдиқланган "2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси"да ва Конституциямизнинг 108 ва 109-моддаларига киритилган ўзгариш ва қўшимчаларга, шунингдек, 2017 йил 31 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида"ги Конституциявий Қонунда ўз ифодасини топди. Бу ҳужжатлар Конституциявий суднинг мустақиллигини мустаҳкамлашга ҳамда роли ва аҳамиятини оширишга, фуқаронини конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини янада кучайтиришга қаратилган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан қабул қилинган "Суд органлари мустақиллигининг асосий принциплари"нинг 10-бандида белгилаб қўйилганидек, судья лавозимига тавсия этиладиган шахслар юқори даражадаги одоб-ахлоқ сифатларига ва қобилиятига, шунингдек, сиёсат ва ҳуқуқ соҳасида тегишли малакага эга бўлишлари ва тегишли тайёрловдан ўтишлари лозим.

Шунинг учун ҳам Конституциявий судни шакллантириш тартибини янада демократлаштириш, шунингдек, судьяларнинг мустақиллигини таъминлаш мақсадида қонунларга бир қатор ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Жумладан, Конституциямизнинг 108-моддасига ва "Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида"ги Конституциявий Қонунга мувофиқ Конституциявий суд Президентнинг тақдимига биноан мамлакат парламенти, яъни Олий Мажлиси юқори палатаси бўлган Сенат томонидан Судьялар олий кенгаши тавсия этган сиёсат ва ҳуқуқ соҳасидаги мутахассислар орасидан, Қоррақалпоғистон Республикасининг вакилини қўшган ҳолда сайланади.

Анжуман якунида, суд-ҳуқуқ тизими ҳамда суд органларининг чинакам мустақиллигини таъминлаш кафолатлари бўйича қонунчиликни янада такомиллаштиришга қаратилган тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Арслон ЭШМУРОДОВ тайёрлади.

ХАЛҚАРО ҳуқуқий ҳужжатлар ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги дам олишга бўлган ҳуқуқ ва улардан фойдаланишга оид қафолатларга катта эътибор қаратади.

Дам олишга бўлган ҳуқуқ **Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 38-моддасида, Меҳнат кодексини ва миллий қонунчилигининг бошқа ҳужжатларида** мустақамлаб кўйилган. Дам олишга бўлган ҳуқуқнинг энг муҳим қафолатларидан бири дам олиш вақти турларининг қонун ҳужжатлари асосида мустақамлаб берилганлиги ҳамда уларнинг энг кам муддати аниқлаб кўйилганлигидир.

# Дам олиш ҳуқуқингизни биласизми?

**Дам олиш вақти** — ходим меҳнат вазифаларини бажаришдан ҳоли бўлган ва бундан у ўз ихтиёрига кўра фойдаланиши мумкин бўлган вақтдир. Дам олиш вақтини ходим меҳнат вазифаларини бажаришдан озод этиб кўйиладиган бошқа вақтлардан фарқловчи белги унинг ишдан ҳоли бўлган вақтдан ўз ихтиёрига кўра фойдаланиши мумкинлигидир.

Ходимга иш куни (смена) давомида дам олиш ва овқатланиш учун танаффус берилиши керак, бу танаффус иш вақтига киритилмайди. Танаффус бериш вақти ва унинг аниқ муддати ички меҳнат тартиб-қоидаларида, смена графикларида ёки ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан белгилаб кўйилади.

Ишлаб чиқариш шароитига кўра дам олиш ва овқатланиш учун танаффус бериш мумкин бўлмаган ишларда иш берувчи ходимга иш вақтида овқатланиб олиш имкониятини таъминлаш шарт. Бундай ишларнинг рўйхати, овқатланиш тартиби ва жойи ички меҳнат тартиби қоидаларида белгилаб кўйилади.

Ишнинг тугаши билан кейинги куни (сменада) иш бошланиши ўртасидаги кундалик дам олиш вақтининг муддати ўн икки соатдан кам бўлиши мумкин эмас. Барча ходимларга дам олиш кунлари (ҳар ҳафталик узлуксиз дам олиш) берилади. Беш кунлик иш ҳафтасида ходимларга ҳафтада икки дам олиш куни, олти кунлик иш ҳафтасида эса, бир дам олиш куни берилади.

Ходимларни дам оладиган кунларида ишга жалб этиш **Меҳнат кодексининг 220-моддаси, бешинчи қисмида ва 228, 245-моддаларида** белгиланган чеклашларга риоя этган ҳолда амалга оширилади. Дам олиш кунларида бажарилган иш учун компенсация ва ҳақ тўлаш ушбу **Кодекснинг 157-моддаси**га биноан амалга оширилади.

**Меҳнат таътили** — вақтнинг шундай муайян бир даврики, унинг муддати қонун ҳужжатларида белгилаб кўйилгандан кам бўлмайдиган ва ҳар бир ходимга узлуксиз дам олиш ҳамда меҳнат қобилиятини тиклаш учун иш жойи ва ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда ҳар йили берилади.



Меҳнат қонунчилигига кўра, таътилни муддати олти кунлик иш ҳафтаси юзасидан календарь бўйича иш кунлари билан ҳисоблаб чиқарилади. Таътил даврига тўғри келиб қолган байрам (ишланмайдиган) кунлари таътил муддатини белгилашда ҳисобга олинмайди.

Ишланган вақтга мутаносиб равишда йиллик меҳнат таътил муддатини ҳисоблаб чиқариш меҳнат шартномаси бекор қилинган ҳолларда ҳам амалга оширилади. Меҳнат шартномаси бекор қилинган ходимга фойдаланилмаган барча йиллик асосий ва кўшимча таътиллари учун пуллик компенсация тўланади.

Меҳнат кодексининг 8-моддасига мувофиқ ҳар бир шахсининг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатланади, бу ҳимоя меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларидаги қилинишини назорат қилувчи органлар, шунингдек, меҳнат низоларини кўрувчи органлар то-

монидан амалга оширилади. Шу сабабли ўзининг дам олиш ҳуқуқи иш берувчи томонидан бузилган, деб ҳисобловчи ходим бевосита судга мурожаат этишга ҳамда бузилган ҳуқуқлари тикланишини талаб қилишга, бундан ташқари, иш берувчининг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари унга зарар, шу жумладан, маънавий зарар етказган ҳолларда етказилган зарарнинг ўрни қопланишини талаб этишга ҳақлидир.

Мансабдор шахслар томонидан ходимларнинг дам олишга бўлган ҳуқуқларининг бузилиши меҳнатга оид қонунчилигининг бузилиши, деб ҳисобланади ва бунда айбдор, деб топилган мансабдор шахслар белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

**Сардор ОБИДОВ,**  
Давлат хизматлари  
Агентлиги Тошкент вилоят  
бошқармаси масъул ходими

## ШАХСГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАР ҲИМОЯ ҚИЛИНАДИМИ?



2019 йил 2 июлда "Шахсга доир маълумотлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди.

Мазкур Қонун 7 боб, 36 моддадан иборат бўлиб, қонун фуқароларга ўз шахсий маълумотлари устидан назорат қилиш, улардан фойдаланиш имкониятини соддалаштириш ҳамда қаерда ишлов берилишидан қатъи назар, фойдаланишнинг таъминлаш имкониятини беради.

Шахсга доир маълумотлар — бу муайян жисмоний шахсга тааллуқли бўлган ёки уни идентификация қилиш имконини берадиган, электрон тарзда, қоғозда ва (ёки) бошқа моддий жисмда қайд этилган ахборот ҳисобланади.

Жаҳоннинг 43 та давлатида шахсга доир маълумотлар ва шахсий ҳаёт дахлсизлигини ҳимоя этиш тартибини назарда тутувчи қонунлар амал қилади.

Таъкидланишича, Қонун бир

қатор хориж мамлакатлари тажрибасига таянган ҳолда ишлаб чиқилди. Хусусан, Россия Федерацияси, Қозоғистон, Япония, Малайзия, Европа Иттифоқи регламенти талаблари билан солиштирилиб, ижобий жиҳатлари эътиборга олинган.

Қонунга кўра, шахсга доир маълумотлар соҳасидаги ваколатли давлат органи сифатида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази белгиланди.

Хўш, "Шахсга доир маълумотлар тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши фуқароларни қандай қилиб ҳимоя қилади? Буни оддий мисол билан изоҳлаб ўтсак. Кўп узоққа бормаёлик, илгарилари айрим фуқаролар томонидан таниш-билишларининг фуқаролик паспорти нусхаларига бир нечта телефон рақамлари олинган ҳолда улардан фойдаланиш ҳолатлари кузатилади эди. Бу эса кейинчалик айрим нохуш вазиятлар ва муаммоларни келтириб чиқарганлигининг гувоҳи бўлганмиз.

Қонуннинг 33-моддасида шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар ўрнатилган тартибда жавобгарликка тортилиши белгиланди. Бу меъёр ўз ўрнида қайд этилган ноқонуний фаолият учун қонунчиликка жавобгарликни белгилувчи тегишли қоидалар киритилишини тақозо этди.

Бундан келиб чиқадики, жисмоний шахсининг розилигисиз ёки бошқа қонуний асос мавжуд бўлмаган ҳолда шахсга доир маълумотларни ошкор этиш ва тарқатишга йўл кўйилмайди.

Қонун жорий йилнинг 1 октябрдан эътиборан кучга кирди. Эндиликда мулкдор, оператор ва учинчи шахс фуқаронинг шахсига доир маълумотларини етарли даражада ҳимоя қилишни бўйнига олган ҳолда ва ушбу маълумотдан нима учун фойдаланмоқчи эканлиги ҳақидаги мақсадни ошкор қилиб, фаёда ўша мақсад учунгина фойдаланиши мумкин бўлади.

Масалан, паспорт олиш учун

берилган маълумотдан ер олиш, кадастр қилиш, никоҳдан ўтиш, сайловчилар рўйхатига киритиш, ўқишга юбориш, диплом бериш, гувоҳнома тайёрлаш каби ишларга шахс рухсатисиз фойдаланиш мумкин эмас. Агар шу мақсадда фойдаланиш зарурати пайдо бўлса, албатта, бу ҳақда маълум қилиниб, розилик олинishi шарт.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур Қонун мамлакатимизда шахсга доир маълумотлар билан ишлашда халқаро стандартлар ва қоидаларни жорий қилиш, шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг шахсий ҳаёт дахлсизлиги бўйича конституциявий ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш ва шахс сифатида ҳар қандай таъсирлардан ҳимоя қилишга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

**Фурқат АНАРОВ,**  
Давлат хизматлари  
Агентлиги Самарқанд вилоят  
бошқармаси масъул ходими

**ИНСОН ҚОНУН**

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган

МУАССИС:  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

www.minjust.uz

ISSN 2030-7617

**ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:**

Тошқулов Акбар Журабоевич  
Рабиёв Шерзод Миржалолович  
Тожиёв Фурқат Шомуродович  
Искандаров Ёрбек Нурбекович  
Эргашева Дилфуза Рустамовна

**Бош муҳаррир**

**Кўчқор НОРҚОБИЛ**

Тахририятга келган қўлёзмалар тахрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

**Навбатчи**  
Мадҳия Авазова

**Саҳифаловчи-дизайнер**  
Жасур Тожиёев

Нашр индекси: 137

"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-3 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида "Ўзбекистон" нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.

**Корхона манзили:** Тошкент шаҳри, Навоний кўчаси, 30-уй.

**Ушбу сонда ЎЗА суратларидан фойдаланилди.**

Тиражи — 9648  
Буюртма — V-3940  
Тошпириш вақти — 19:00  
Тошпирилди — 22:00

**МАНЗИЛИМИЗ:**

100 115, Тошкент ш.  
Чилонзор кўчаси-29.

Факс: (0371) 277-02-97

Обуна бўлими: 277-02-57

**Баҳоси келишилган нарҳда**

1 2 3 4 5

## ЯХШИЛИК ҚИЛИШГА ШОШИЛИБ ЯШАНГ

ЯҚИНДА бир адабий нашрда ўзбек маърифатпарвари Мунавварқори Абдурашидхоннинг "Туғишганлик севгиси" номли ҳикоясини ўқидим. Бироз вақтингизни олсам-да, уни қисқача сизга баён қилсам. Тоғ яқинидаги қишлоқда яшовчи ўн уч ёшли қизалоқ ўз укасини бўрилар ҳамласидан сақлаш учун сандиқ ичида беркитиб, ўзи эса уларга ем бўлади. Бир неча соатдан кейин уйга қайтган қишлоқ ахли болакайни сандиқ ичида пишиллаб ухлаётганини гувоҳи бўлади. Қизалоқ эса укасининг ўрнига қурбон бўлган. Айтмоқчиманки, қариндошлик ришталари қўрнмас меҳру муҳаббат, қучли ҳимоя билан боғланганки, уни узиб бўлмайди. Ёки мажбурлаб бу туйғуни кўнгилга синдириб бўлмайди. Аммо иш фаолиятимиз жараёнида баъзан қариндошлик ришталарига дарз келтириб, ўз жигарига жони ачимай, юзқўрмас даражага бориб қолаётганларнинг ишларига ҳам гувоҳ бўлаяпмиз.

Халқимизда ариқ қазиб сув чиқарган элда азиз деган нақл бор. Шу билан бирга инсонларга ўзидан кейин ҳам фойда келтирадиган амалларни бажарган, жумладан, илм ўргатган ёки қудуқ қовлаб сув чиқарган, вафотидан кейин унинг ҳақиқа истиғфор айтадиган фарзанд қолдирган инсонларга савоб ёзилиши ҳам динимизда таъкидланган.

Аммо Собир ака ҳаммага насиҳат қиладиган, ўргатадиган, ўрнак бўладиган ёшида ўзига ярашмайдиган ишларни бошлаб қўйди. Аввалдан жиани билан кўча ховлисидан ўтган ариқни талашиб юрарди. Бу сафар эса жиани Комилнинг уйига сув бормайдиган қилиб, ариқ ўзанини бошқа ёққа буриб қўя қолди. Комил эса сув таъминлигини қўйиб, амакисининг уйига борди. Сув ўтказгич трубага тузатиш таклифини айтгани ҳам. "Ариқни кўмиб ташлайман, бор билганингни қил!" деган пўписани эшитди. Комил ҳам бўш келмай ўзиникини маъқуллади. Собир ака ҳам фикридан қайтмади. Охири сув можароси муштлашувга бориб етди. Бу воқеанинг ниҳояси эса ҳуқуқ-тартибот органларида муҳокама қилинди. Жазо ҳам тайинланди. Аммо бу жазо қон-қардошлик олдида қанчалик юкли?

Нега одамлар шунчаликка боради? Ахир бир коста овқатга қўрнмиз тўяди. Бир оғиз сўздан тоғдек юксаламиз. Умр бўйи яқинларимиз, фарзандларимиз ҳаловати учун елиб-югураемиз. Ер талашиб, баъзан ўй талашиб, табиат яратган мўъжиза — сув талашиб қаргача борардик? Ҳаётимиз бир томчи шабнамдек омонат дунёда қилган яхшиликлару, эзгу амалларимизгина қолади, холос. Яхшилик қилишга шошилиб яшаш керак эмасми?

**Акмал АТАМУРАТОВ,**  
 Олтинсой туман ИИБ ҳузурдаги Тергов гуруҳи суриштирувчиси, капитан

### ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар, Миробод туман давлат хизматлари маркази томонидан 28.06.2018 йилда 818389 реестр рақами билан давлат рўйхатидан ўтган "AVIA AND TOUR" масъулияти чекланган жамияти (СТПР: 305 620 788) таъсисчисининг 2019 йил 25 ноябрдаги қарорига асосан тугатилди.

Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади. Тел.: (94) 628-98-50.

Тошкент шаҳар, Миробод туман давлат хизматлари маркази томонидан 16.01.2019 йилда 668174 реестр рақами билан давлат рўйхатидан ўтган "DENTASPHERE ESTHETICS" масъулияти чекланган жамияти (СТПР: 305 597 164) таъсисчисининг 2019 йил 28 ноябрдаги қарорига асосан тугатилди.

Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади. Тел.: (97) 410-12-21.

Тошкент шаҳар, Миробод туман давлат хизматлари маркази томонидан 15.07.2019 йилда 743549 реестр рақами билан давлат рўйхатидан ўтган "THE GREAT FIVE WAVES" масъулияти чекланган жамияти (СТПР: 306 579 287) таъсисчисининг 2019 йил 26 ноябрдаги қарорига асосан тугатилди.

Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади. Тел.: (97) 462-10-00.

Тошкент шаҳар, Миробод туман тадбиркорлик субъектларини қайта рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 19.09.2013 йилда 6617-03 реестр рақами билан давлат рўйхатидан ўтган "ADOLAT BAROKAT SAVDO" оғнавий корпорацияси (СТПР: 302 710 751) таъсисчисининг 2019 йил 29 ноябрдаги қарорига асосан тугатилди.

Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади. Тел.: (90) 940-75-47.

Тошкент шаҳар, Миробод туман тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 14.06.2016 йилда 008349-03 реестр рақами билан давлат рўйхатидан ўтган "ZIVNAT IDEAL FOOD" масъулияти чекланган жамияти (СТПР: 304 037 037) таъсисчисининг 2019 йил 25 ноябрдаги

Йилгилиш қарорига асосан тугатилди. Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади. Тел.: (93) 594-29-92.

Самарқанд вилоят адлия бошқармаси томонидан "Адвокатура тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ Самарқанд вилоят адлия бошқармасининг 2019 йил 8 ноябрдаги 403-ум-сонли буйруғига асосан "BOG'ISHAMOL HAQIQATI" адвокатлар ҳайъати адвокати Набиев Фоллехон Камолпоев (адвокатлик гувоҳномаси №831, 18.07.2018 й.) ва "BOG'ISHAMOL" адвокатлар ҳайъатини адвокати Мусурманов Ахрор Ярашевчиқларнинг (адвокатлик гувоҳномаси №49, 24.12.2018 й.) адвокатлик маҳомаси 3 ойда тўхтатилади.

Тошкент вилоят адлия бошқармасининг 2019 йил 20 ноябрдаги 127-А-ум-сонли буйруғига асосан Оқўйрон туманида жойлашган "Kush Adolat" адвокатлик бюроси раҳбари Мухаммаджонов Қозимжон Фахриджановичнинг аризасига асосан Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан 2019 йил 16 майда берилган ТН 001500 рақами билан адвокатлик фаолияти билан шуғулланиши ҳуқуқини берувчи лицензия ҳамда адвокатлик маҳомаси Тошкент вилоят адлия бошқармасининг 2019 йил 14 ноябрдаги 124-А-ум-сонли буйруғига асосан тугатилди.

Мухаммаджонов Қозимжон Фахриджановичнинг аризасига асосан Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан 2019 йил 16 майда берилган ТН 001500 рақами билан давлат рўйхатидан ўтган "WOOD CENTRE STROY" масъулияти чекланган жамияти (Қирғизбод тумани, 13-мавзе, Ахмад Доғиш кўчаси) 2019 йил 25 ноябрдаги йилгилиш қарорига асосан тугатилди.

Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади. Тел.: (90) 940-75-47.

ЎЗБЕК Миллий академик драма театри жамоаси Адлия вазирлиги "Инсон ва қонун" газетаси Бош муҳаррири, драматург Кўчқор Норқобилнинг шу номли драмасини сахналаштирди. Режиссёр Ғофур Мардонов. Театр жамоаси Навоий, Зарафшон, Учқудуқ шаҳарларида ижодий сафарда бўлди. Спектакль даставвал улуғ бобоқалонимиз ҳазрат Алишер Навоийнинг абадиётга дахлдор асари қаҳрамони шарафига "Фарҳод" деб номланган маданият саройида намойиш этилди. Одамлар театрни соғиниб қолишганиданми ёки драмада кон-металлургия соҳаси қаламга олинганлигинданми, зал томошабинлар билан лиқ тўлди.



Спектаклда Қодирбек Собитовнинг болалиги, ўспиринлиги ва ўқиб, кон-металлургия соҳаси сир-асрорларини пухта эгаллагани, унинг ҳаёт йўлидаги машаққатлар мисолида ўзбек халқининг яқин ўтмиши ўтган асрнинг етмишинчи йиллари ва бугунги кунга таъсирчан тарзда ақс эттирилган. Саҳна кўринишлари Қо



## “Тоғлардек БАЛАНД БЎЛ”

бажариш учун яна кўсак чувишга ўтирган ва одамни зада қиладиган бу жараён қачон тугашини болалигининг эртаксимон истаклари билан кутган пайларимиз кўз ўнгимда тўла намён бўлди. Қодир ва Зухра, Қодирлар ва Зухраларгами, ўша кезларда дунёда энг бахтиёр, деб ҳисоблаганимиз, аслида эса бошқачароқ бўлганлигини анча вақтлар ўтиб пайқаганим — ўзимнинг ва тенгдошларимнинг болалигига ачинганлигимданми, билмадим ўпкам тўлиб, томоғимга нимадир тиқилди. Ён-веримдаги мендан ёшроқ томошабинларга ҳалақит бермаслик ва улар бошқача ҳаёлга бормасинлар, деган ўй билан ўкириб юборишдан тийилиб, тишимни-тишимга қўйиб, тўлиб келаётган кўз ёшларимни ҳеч кимга сездирмасдан рўмолчам билан артиб ўтирдим. Асар мен тенги томошабинларнинг аскариятида шундай кечинмаларни уйғотган бўлса керак. Бадиий ижод намунасининг ҳақиқий таъсир кучи ҳам аслида ана шу жиҳатидир.



Шукрларким, Қодир ёшлигида-ноқ Сергей Сергеевичга ўхшаганлардан ўспиринлик даврида кўрган камситишлар, пўписаларни бутун бошли халққа, халқига ҳақорат, деб билди, келгусида билимли бўлиб, бу халқ пахта етиштиришдан бошқа катта ишларга ҳам қодир эканлигини исботлашга аҳд қилади ва бунга эришади. Оддий қишлоқ йигити институтни тугатиб, ҳаётнинг қийинчилиklarини мардонанвор өнгиб, етук мутахассис даражасига бориб етади. Шу ўринда бир мулоҳаза: Қодир институт йўлнамаси билан ишга кириш учун комбинатга келганда қадрлар бўлими бошлиғи бўлиб ишлаётган Сергей Сергеевич уни ишга олмай, паст назар билан муносабатда бўлиб, олис Магаданга жўнатиб юборади. Қодир эса соҳага яна қайтгач, Сергей Сергеевичдан ўч олмайди, аксинча, бирга ишлаши-

ни билдиради. Спектаклда Сергей Сергеевичнинг "Бу халққа тушуниб бўлмайди, унга ёмонлик қилсанг, у сenga яхшилик билан жавоб беради", деган сўзлари бор. "Ҳа, Сергей Сергеевич, буни тушуниш учун ўзбек бўлиб туғилиш керак. Қанийди бизнинг бундай баркингилгимизни ҳамма ҳам қадрлай олса эди", дегинг келади, беихтиёр. Асарнинг бош қаҳрамони Қодир Собитов бугунги ва эртанги куннинг муносиб раҳбари. У Арслон Арслоновичга ўхшаган казо-казоларнинг таъйиқи остида ҳам коррупцияга, комбинат маблағини талон-торож қилишга йўл қўймайди, имон-этиқоқига собит қолади. Асарда Адлия вазирлиги ҳамда барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари олдидаги муҳим масалалардан бири коррупцияга қарши кураш мавзуси ҳам тўлақонли ифода этилган. Онанинг спектакль охирида янграган "Сен ҳали юртинга, халқинга кўп керакли ишларни қилсан, тоғлардек баланд бўл, баланд бўл, болам!", деган сўзлари томошабинда Қ.Собитов онанинг ниятларини рўёбга чиқариши, юрт фаровонлиги йўлида эзгу ишларга бош бўлишига ишонч туғдиради.

Спектаклда бош ролларни талқин қилган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар М.Раҳматов, М.Боботуллаева, шунингдек, артистлар А.Сайназаров, С.Умарова, О.Тўрақулова, Ф.Ботиров, И.Ахмадалиев, Д.Насриддинов, А.Набиев, Ф.Зияевлар саҳнада юксак ижрочилик маҳоратларини намойиш этдилар.

"Тоғлардек баланд бўл" спектаклида давринг долзарб мавзуси — замонамиз қаҳрамонларининг ҳаёти саҳнага олиб чиқилган. Асар томошабинлар, айниқса, ёшларни ватанпарварлик, касба садоқат, мастақилликнинг бебаҳо неъмат эканлигини теран англаб, бугунги ёруғ кунларимизнинг қадрига етиш, Яратганга беҳисоб шукроналик айтиш ва энг муҳими, коррупциянинг ҳар қандай кўринишига қарши кураш руҳида тарбиялашга хизмат қилиши билан алоҳида аҳамиятга эришди.

**Низомиддин САДРИДДИНОВ**

**Виктор ЯКОВЛЕВ олган суратлар.**